

ЁШЛАР ОВОЗИ

“Бизнинг исмимиз – Ўзбекистонлик!”

Бундан бир аср аввал, аниқроғи, 1922 йилда жадид етакчиларининг ташаббуси ва ҳомийлигига 70 нафар туркистонлик талаба Германияга ўқишига юборилган эди. Уларнинг кейинги тақдири ҳақида кўплаб мақолалар, бадий асарлар, фильмлар яратилганки, биз бу хусусда кўп тұхталмоқчи эмасмиз. Бугун биз айни пайтда олис немис діёрида таълим олаётган, тадқиқота ва амалий изланишлар олиб бораётган ёшларимиз ҳақида, Президентимиз ва давлатимиз ҳомийлигидага энг илғор билимларни ўзлаشتыраётган қалби қайноқ үйгит-қызыларнинг ибратлар ҳаёти ва фаолияти тұғрисида ҳикоя қылмоқчимиз. Уларнинг шижаоат, ишонч ва орзуларга йўргилган сўзларини тингларканмиз, беихтиёр буюк немис шоири Гётенинг “Умид билан суқилган таёқ, Бир кун берар меваю япроқ”, деган ҳикматли сатрлари ёдимиизга тушди.



Элбек ЯШНИЕВ,
Гётtingен шаҳридаги темир йўллар
назорати компаниясининг сифат
назоратчиси:

– Россияда аспирантурада ўқиб юрган кезларимда Германия темир йўллар тизими, немис кўприклиарининг мустаҳкамлигини таъминлайдиган технологиялар мени қизиқтириб кўйди. Уша юргта бориб ишлайман, илм ўрганаман деб ният қилдим. Ниҳоят, 2020 йилда Гётtingен шаҳридаги нуфузли фирмада фаолият бошладим.

Ишга кириш чогида камина билан ўтказилган илик сухбат жуда кизик кечди. Немисчам яхши эмас, ўта олармикинман деб роса тайёрланган эдим. Шундай фирма раҳбари куттилмаганда футболга қизиқишам ҳақида сўради. Мулоқотнинг бундай бошланиши мендаги ҳаяжонни босди. Футбол – жону дилим, ўзим ҳам буш вактларимда тўп тегиб турман. Бу мавзуда жўшиб гапириб, ишга алоқадор мавзуга ўтганимизни сезмабман ҳам.

Албатта, бошида немис менталитетига ўрганишим қийин кечди. Улардаги иш интизомининг бир жиҳати менга галати туялган. Яхни, ишга бориб келаверасиз ва сиздан ҳеч ким қачон келдинг, соат нечада кетяпсан, деб сўрамайди. Кўлингизга иш соатининг жадвали берилди ва уни ўзингиз тўлдирасиз. Уни қандай тўлдириш виждонингизга ҳавола. Энг қизиги, ҳеч ким ўзига ёғондан иш соати ёзмайди.

Мен хизмат қиладиган “Deutsche Bahn” фирмаси Германиянинг асосий темир йўл операторига қарашли. 2026 йилгача топширишим керак бўлган лойиҳам бор. Undan ташқари, кўпклияр сифатини яхшилаш бўйича алоҳида лойиҳани амалга ошироқчилик. Уни ўзбекистондаги ҳамасбларим билан биргалиқда бажариш ниятим бор.

Бу ерда ишлаш, яшаш давомида кўп нарсаларни ўргандим. Ҳам касбий, ҳам ҳаёти тажриба ортиридим. Немис халқарни менга энг ёққан хусусияти – улар сидқидилдан ишлайди, дам олишин ҳам тўғри ташкиллаштиради. Мен ишдан буш вактларимни оиласам, фазандларим билан ўтказаман. Яна ташкилотимизга қарашли ҳаваскорлар футбол жамоаси таркиби турли мусобакаларда иштирок этаман. Ҳар хил миллат вакиллари билан майдонга тушамиш, улар билан танишиб, дўстлашамиш.

Бу ерда биз ўзбекистоннинг Германиядаги дипломатик ваколатхонаси билан доимий алоқадамиз. У ерда ўтказиладиган ҳар бир тадбирда катнашишга ҳаракат қилимиз. Тадбирларга таклиф этишганида суюнамиз. Элчихона мутасаддилари томонидан ташкил этиладиган анъанавий тил байрамларидан

ни интиқ кутамиз. Яхинда ёшлар ўртасида ўюштирилган “Заковат” интеллектуал мусобакаларида қатнашдик. Ҳуллас, элчихонамиз ҳаммамизни бирлаштириб туради.

Хукуматимиз ёшларга жуда катта эътибор қаратади. Бу айниқса, ташқарида, яхни хориқда яккорроқ кўринади. Бир гапни айтишим керак, бизни давлатимиз доим қўллаб-куваттаб кельмоқда. Россияда ўқиётганимизда ҳам эътиборда турганимиз. Ҳозир эса ана шу эътибор бир неча карра кўпайган. Қариндошларим, дўстларим, қасбодшаримдан юртимиз ёшларининг муваффакиятлари ва уларга яратилган имкониятлар ҳақида эштиши жуда ёқимли.

Германияда ишингизга фидойиллингиз ва қасбингизнинг ҳақиқий мутахассиси эканнингизни намоён ётсангиз ҳурмат қозонасиз, қадр топасиз. Хорижга чиққан ўзбек ўзини қандай тутиши унинг тарбиясига боғлиқ. Хусусан, Германияга келган юртдошларимиз ўзларини яхши томондан намоён қилишиади. Шунинг учун ҳам немислар ўзбеклар ҳақида яхши фикрда. Улар ўзбек миллати вакилларини самимий, содда ва меҳнаткаш одамлар деб билишади. Менимча, хориждаги ўзбек ҳар бир ҳатти-ҳаракати билан ўз миллати ҳақида яхши тасаввур ўйғотиши ҳаракат қилиши керак. Таванимиз ёшларининг чукур биллими олишларини ва уни ҳаётига табиги этишда сабитқадам бўлишларини истайман. Олинган билим, албатта, кўлланилиши керак. Давлатни ривожлантириш эртанги кун егалари, яхни ёшлар кўлиди. Шунинг учун тенгдошларим қаерда бўлишларидан катъи назар, ўз қасбини севсин, ишига вижданан ёндашсин, қадр топсин ва ўз соҳасига оид нима манфаатли янгилик топса, ўзбекистон учун ишинсин.

Ҳуснора ОРЗИҚУЛОВА,
Мюнхен Людвиг-Максимилиан
университети клиникасининг
юз-жарроҳлик бўйими стоматолог
шифокори:



– Талабалик давримдаёқ Германия медицина соҳасида дунёда энг етакчи давлатлардан бирни экани тўғрисида кўп эшитгандим. Шу боис менда “дойче пунктлхайт” – “пухталик ва аниқлик” русум бўйган бу дўйга бориб ўқиш орзуси пайдо бўлди. Мақсадимга этиши учун ҳаракатни мустақил тайёрланышдан бошлаб, кейинроқ немис тили курсларига борганиман. 2022 йили ниҳоят ушбу мамлакатга келишга мувоффақ бўлдим. Дастанлабки иш кунларим бирор кийин кечди. Лекин астойдил ҳаракат қилиб, ҳамкасларнинг ёрдам билан бу қийинчиликларни ёнгиб ўтдим.

Албатта, Президентимиз ва хукуматимиз томонидан биз ёшлар учун жаҳон дарвозаларининг очиб берилгани – энг катта ютуғимиз деб ўйлайман. Хоҳлаган давлатимизда,

хоҳлаган университетимизда ўқияпмиз. Бунинг учун Юртбошимиздан ҳар қанча миннатдорлик бўлсак аризиди.

Келгусида магистратуруни ҳам шу ерда давом эттириб, юз-жароҳлиги соҳасида илмий фаолият олиб бориш ниятидаман. Энг мурakkab жарроҳлик ишларини чукур ўрганиб, ўзбекистонга малакали шифокор бўлиб қайтмоқчиман. Ота-онамни, ўғлини шифокор бўлиб қайтмоқчиман. Албатта, жигарларингдан, Ватанингдан узоқда яшаш осон эмас. Лекин ўзим туғилган юрт ривожи учун озигина бўлса-да хисса қўшиш имкониятим кенгайтанинг менга катта куч беряпти. Аслида бизнинг бурчимиз шу – Ватан учун ёниб яшаш! Ўзбекистон ёшларига айтадиган гапим шуки, улар аввало ўз она тилини аъло ўзластириб, кейин ўзга типларни ҳам мукаммал ўрганишсин. ўз олдига катта максадларни кўйиб, унга эришиш учун меҳнат ва ҳаракатдан толмасин. Шу йўлда уларга омад тилайман!

Берхўз АВАЗОВ,
Германиянинг Ингелъхайм малака
ошириш маркази немис тили ўқитувчиси,
Райнланд-Пфальц федераль ўлқасининг
немис тили имтиҳонлари бўйича
эксперти:



– Аввало, ота-онамнинг ривожланган давлатларда таҳсил олаётган талабаларга хаваси мени Европада ўқишига унданаган бўлса керак. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида немис тили, тарихи ва маданияти бўйича таълим олиш асносиди Германияда ўқиган буҳоролик жадид боболари миз ҳақида маълумотлар билан танишгач, уларнинг изларидан боришига қарор қилдим.

Мен Майнц Иоханнес-Гутенберг номидаги университетда немис тилини ўқитиши ва туркология соҳаларида иккита магистрлик дипломини кўлга киритдим. ўз она тилини бошқаларга ўргатиш орзуси, қолаверса, Германия кутубхоналаридағи қадимий туркӣ ёзма маңбаларни ўрганишга бўлган кучли иштиёқ турколог бўлиб етишишимда катта роль ўйнади. Айни пайтда Ингелъхайм малака ошириш марказида ёшларга дарс беряпти.

Мамлакатимизнинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфурт-Майн шаҳридаги Бон консулигимиз Германиядаги ватандошлар билан бирлаштириб турдиган тадбирларни ташкиллаштириш ва ўзбекистон имижини юксалтиришида талай ишларни амалга ошириш.

Агар киши тижорат билан машғул бўлса, бу дунёда фаронон яшайди, агар ибодат билан шуғулланса, у дунёда охириати обод бўлади, агар илм билан шуғулланса, у иккиси дунё саодатига эришади.

Абдурауф ФИТРАТ

япти. Жумладан, Майнц университетида илмий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида дипломатик ваколатхона ташаббуси билан ўзаро илмий-маданий ҳамкорлик муносабатлари тизимли шакллантирилган.

Германиядаги ҳаётнинг ўзига хос хусусиятларидан бирни буш вақтнинг бўлмаслигига, боиси ҳамма нарса режа асосиди. Қизиги, фарзандлар ўз ота-оналарининг ўйига ҳам улар билан келишмасдан ёки аввалдан режалаштирилсан турниб олиши мумкин. Менинг амалиёт тажрибам ўзбекистон билан мумкаммал ҳамкорлик қиласидаги компания билан боғлиқ. Бу халқаро ишлар ва дипломатик муносабатларда тажриба ортириш учун жуда мумхим имкониятдир. Амалиёт доирасида компаниюнинг ўзбекистон билан лойиҳалари ва ҳамкорликлари ҳақида маълумотга эга булашман, бу эса мамлакатлар ўртасидаги бизнес алоқалар қандай бошқарилишини чуқурро тушишнишга имкон беради.

Шахсиятимнинг ажралмас қисми бўлган она тилимдаги мулоқотни кўмсайман.

Дунёнинг истаган нуқтасида ўзбеклигимни сақлаб қолиш мен учун мумхим.

Ватанимиз ёшларига тилагим шу: ўзингизга ишонинг, ўзингизни кашф этишга интилинг!

Мардона ЗУХРИДДИНОВА,
Ханновер стоматологлар тайёрлаш
профессионал академияси талабаси:



– Мен Германияга бу мамлакатнинг иқтисодий модели ва муваффакиятли бизнес стратегияларини ўзлаштириш учун келдим. Унинг барқарор ривожланиши ва инновацияларга қаралтирилган ёндашви менга катта таъсир кўрсатди. “Созланадиган иқтисодиёт” ва “созланадиган бозор” каби тушунчалар ҳақида маърузаларни тинглаш, Германия иқтисодиётининг ўзига хос аниқ ва ижодий ёндашвини тушишнишга ёрдам берди. Бундан ташкири, Германиянинг барқарор ривожланиши ва “яшил иқтисодиёт”га бўлган эътибори менинг шахсий қарашларим билан ўтганимизни созланадиган бозорни тушунишга ётадим.

Президентимиз ва хукуматимиз томонидан ёшлар учун яратилган имкониятлар менинг барқарор таҳсил олишиш ва иш фаолиятимни ўйланаётган ўйлашишади. Ишни тарбияни ўйланаётган ўйлашишади. Немис тилини иштиёқ билан ўргана бошладим. Германияда Европанинг бошча давлатларига қарардан белуп олий таълим олиши имконият кўпроқ. Дарвоҳе, немис халқига хос темир интизом, бир сўзлилк хислатлари ҳам айнан таълим даргоҳларда шаклланади. Масалан, вақтнинг нақадар мумхим эканлигини шу ерга келиб янада яхши ҳамоҳанг эди.

Менга Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан жуда ҳам катта ёрдам берилди. Институтда ўқиб юрган пайтларим чет тилларни ўрганиш ва турли хил спорт тўғарақларига қатнашиш, шунингдек, “Ёш китобхон” лойиҳасида ўзимни синаб кўришм учун менга имконият эшилари очилди.

Мутахассислигим бўйича тиши шифокори бўлламан. Ўқиши тамомлаб, ўзбекистонда ўз мутахассислигим бўйича клиника очиши ниятим бор. Чет давлатлар билан ҳамкорликда ишлар орқали мамлакатимизнинг ривожланишига, инсонларнинг соглам бўлишига ҳисса кўшиш максадидаман.

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонаси мутасаддилари билан ташаббут ўюштиришади, ўқиши ва ишларимиз билан қизиқишилар, фойдалари бераби, бизни доимо кўллаб-куватлашлади. Албатта, мусофирилдида қийинчиликларни йўқ эмас. Ахир, олий мақсадларига осонлик билан эришиб бўлмайди. Мен Германияга ўзим билан ўзбекистоннинг олиб келгандайман. Чунки менинг таниған одам менинг миллатимни таниди. Бизни дунё танисин!

Давра сұхбатини

Мұхәйє ПИРАФАСОВА уюштириди.

P.S. Даера сұхбатини ташкил этишида амалий ёрдам кўрсатгани учун ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасига миннатдорлик билдирамиз.



Шавкат МИРЗИЁЕВ:

“Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин!”



Сирохиддин САЙИД,
Ёзувчилар уюшмаси раиси,
Ўзбекистон халқ шоири, Олий
Мажлис Сенати аъзоси:

— Қадрли ёшлар, азиз ўғил-қизларимиз! Мұхтарам Юрбошимиз сизу биз ижодкорлардан жудаям баланд ижодий парвозлар кутяптилар. Катта йилишиларда бугун менга Эркин Воҳидов, Абдулла Оривловлар етишмаяпти, дея бот-бот таъқидлайдилар. Демаки, Президентимиз низарда туваётган бу бўшилқ ўрнини сиз ёшлар тўлдиришингиз зарур. Зомин семинари, ёш ижодкорларнинг илк китоблари чоп этилиб, тақдимотлари ўтказилиши сизларнинг келгусидаги катта мақсадларинги биринчи пиллапоя вазифасини ўтайди. Бу йўлда қоқилмай, ёруғ мансиз сари дадил қадам босаверинг.



Мехрибон АБДУРАХМОНОВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси
Жиззах вилоят бўлими
раҳбари:

эди. Ана шу тушкунлик муҳити катта ижодкорларимизни ҳам ўз домига тортган, “адабиётнинг эртаси нима бўлади?” деган савол кун тартибида чиққанди. “Зомин семинари том маънода адабиётни оёққа турғизган, далда бўлган, умид бағишилган воқелинг бўлди”, деб эътироф этганди Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Оривов.

Бугун адабиёт майдонида ўз сўзига эга ижодкорларнинг аксарияти айнан ана шу адабий анжуманда кашф этилган. Орадан йиллар ўтиб, мазкур семинар “Зомин мактаби” деб ном қозонди, бу баҳо ижодкор ёшлар учун ўта мухим бўлган – бевосита мулоқот, ҳәйтий тажриба асосига курилган устоз-шоғирд анъанаси шакланганлигидан дарак беради.

Афсуски, айрим сабаблар билан орада бир неча йил Зомин семинари ўтказилмади. Мұхтарам Президентимизнинг кўллаб-куватлаши билан 2017 йилда мазкур адабиёт байрамининг яна қайтадан ташкилластирилгани мамлакатимиз ижод аҳлиниң қувончига сабаб бўлди. Ҳар қандай улуғвор иш ўзининг давомийлиги билан хайрлидир.

– Семинаримиз илк бор 1997 йили Юрбошимиз Жиззах вилояти ҳокими лавозимида фаолият олиб бораётган кезларда ташкил этилган. Гапнинг сирасини айтганда, ўша давр бозор кайфияти ҳукм суро бошлаган, кўплар ўзини савдога урган, адабиёт эса бир четга сурисиб, адилар ўзларини жамиятнинг ўғай боласидек кераксиз ҳис қила бошлаган дамлар

“старт майдончasi”dir. Бу йилги семинарда республикамиздаги ижод мактаблари ўзувчилари ҳам қатнашётгани ижодкор ёшларга ёзтибор кўлами янада ортаётганинг ёрқин исботи.

Зомин семинарини авлодлар учрашуви деб атаса ҳам бўлади. Чунки ёш ижодкорлар устозлардан бадий санъатнинг ўзига хос сирларини ўрганишса, айни пайтда катта авлод ижодкорлари ётишиб келаётган ёш авлоднинг ўй-хаёллари, интилишлари, орзу ва умидлари, тушунча тарзи билан бевосита танишиб олишади, бошқача айтганда, келажак билан юзлашишида.

Ўтган давр мобайнида Зомин семинари қатнашчиларининг бир неча авлоди шаклланниб ултурди. Унинг илк қадирларни буғунги жамиятимизнинг фаол аъзолари, кўзга кўринган ижодкорлардир.

Мамлакатимизда шитоб билан “Милли тикланишдан миллий юқсанлиш сарни” шиори остида кўламли янгиланишлар юз бермоқда. Бу кутулғ жараён янгича фикрлайдиган, соғлом тафаккури, ватангпарвар ва фидойи ёшларни ётишириб чиқармоқда. Айни кунларда анъанавий ва мумтоз ушбу анжуманинг навбатдаги “нағис мажлислар” бўлиб ўтмоқда. Семинар қатнашчиларига эл-юртга хизмат қилишдай шарафли ва масъулиятли ишларидан омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаймиз.



Исајон СУЛТОН,
Ўзбекистон халқ ёзувчisi:

– Ҳар йили бўлиб ўтадиган анъанавий Зомин семинари юртимиз ижодкор ёшларини кўллаб-куватлайдиган замонавий “платформа”га айланганига анча бўлди.

Шуни фарҳ билан эътироф этса арзиди: дунё ўлкаларида ижод ва санъатни кўллаб-куватлайдиган турли-туман тадбирлар бор, аммо мамлакат ёшлари орасидан бадий ижодга энг иқтидорларини саралаб, устозлар сабоқлари ўтиладиган бундай анжуман оламда ягона бўлса, ажаблас. Семинар ёшларга ўз истеъодини намоён қилиш имконини берадиган янги макон, ўзаро мулоқотнинг қулаи шакли, янги ўфқларга интилишнинг ўзига хос

ЗОМИН ТОҒЛАРИДА



O'ZBEKISTON
YOZUVCHILAR
UYUSHMASI



Сувон МЕЛИ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган маданият
ходими,

филология фанлари доктори:

– “Келажак – ёшлар кўлида” деган гап галдаги шиор ҳам, тантанавор гап ҳам эмас. Бу – аниқ факт.

Мавжуд оламнинг муқаррар қонуниятига кўра вақт бетўхтов утаверади, эски авлод ўрнига янгиси келаверади, бу абадий жа-

раён. Янги келган ва келаётган авлод эскисидан ақпли, билимли ва журъатли бўлиши шарт. Акс ҳолда ҳалқнинг, давлатнинг ва мамлакатнинг келажаги хавф остида колади. Чунки ҳозирги глобаллашган дунёда кечачетган шафқатиз рақобатга чидаш, унда ғолиб чиқа олиш учун матонатли ва маънавиятли авлод зарурдир.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу – ёшларни ҳар томонлама мамлакали ва маънавияти юксак қилиб тарбиялаш, уларнинг билим олиши ва самарали фаолият юритиши учун давлат ҳамма шарт-шароитни яратиб беради, деганидир. Буни ёшларга бериладиган ўзиға хос қарз деб тушунмоқ лозим. Қарз эса тўлови билан гўзалдир. Ёшларимиз бундай ғамхўрликка муносиб бўлади, деб ўйлаймиз.

Зомин семинари ҳам шундай ғамхўрлик наомунаси бўлиб, ўзбек адабиётининг келажак ниҳолларини тарбиялаш, уларга йўл-

та оладиган соғлом адабиёт даркор. Ва бу адабиётга баҳо берадиган, ўрни қелганда йўл-йўрик кўрсата оладиган адабий танқид зарур.

Адабиётшунос бўлганим боис, адабий танқид, унда ёшларнинг иштироқи ҳақида бироз сўзлассам. Ёш шоирлар, адилар, ҳатто драматургларимиз бор, йўқ эмас. Лекин фалонча деб тилга олишга муносиб ёш мунаққидимиз йўқ. Бундай тақиилликни кўргандан сўнг мунаққидлик ноёб касб ва иқтидор эканига қатъий ишонч хосил қилдим. Айни ёшлардан таркиб топган фаол адабий танқидсиз адабиёт тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Ёшлар томонидан яратилган адабий маҳсулотга ёш мунаққидлар баҳо берсагина, яны баҳо бера оладиган даражада бўлсагина, чинакам янги адабиёт мавжудлигига ишобни мумкин.

Зомин семинари бошқа жанр йўналишлари қаторида янги, ёш, иқтидорли мунаққидларни кашф килади деб умид қиласмиз.



Ботиржон ЭРГАШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси раисининг
ёшлар масалалари бўйича
ўринбосари:

– Адабиётга муҳаббатли юртдошларимиз, айниқса, ёш йигит-қизларимизга яхши маълумки, ҳар йили Ўзбекистон

ёзувчилар уюшмаси, Жиззах вилояти ҳокимлиги, “Дўстлар клуби” доирасида акциядорлик тижорат Халқ банки ҳамда бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамкорлигига Республика ёш ижодкорларининг анъанавий Зомин семинари ўтказиб келинади.

Мамлакатимизда адабиётга, хусусан, ёш ижодкорларга бўлаётган этиборларнинг самараси ўлароқ, йилдан йилга ёшларнинг бадий ижодга қизиқиши ошиб, семинарнинг қамрови ҳамда кенгайиб бормоқда. Талаб ва истакларга мувофиқ анжуман аҳамиятини янада ошириш мақсадида ташкилий масалаларда ҳам ёндашув тубдан ўзгармоқда. Президентимиз қарорига биноан бу йилги анжуманда юртимиздаги атоқли адилар номи билан аталувчи ижод мактабларининг ҳар биридан беш нафардан иқтидорли ўзувчилар ҳамда бир нафардан кузатувчи устозлар иштироқи ҳам кўзда тутилган.

Шу боис, ҳудудий босқичларда қатнашиб, Зомин семинарининг Республика босқичига йўлланма олган саксон олифнафар ёшларга ижод мактабларининг ижодкор ўзувчилари ҳам кўшилди.

Анжуманинг бу галги расмий қисми ҳам одатдагидай пойтхатимиздаги Адилар хиёбонидан, буюк бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий ҳайкални пойига гуллар кўйиш билан бошланди. Бир гурӯҳ устоз адилар, адабиётшунос олимлар ҳамда юз нафардан зиёд ёшлар ӯзбек адабиёти пирининг фойиона дуолари билан Зоминга йўл олишиди. У ёғи катта таассуротларга бўйи, ҳеч қачон унтутилмайдиган, уч куни уч асрор арзирли Ўриқлисойнинг музазам бағри.

Анжуманда назм, наср, публицистика, болалар адабиёти, бадий таржима, драматургия ва адабий танқид йўналишларидан машғулотлар бўлиб ўтди. Ўз-

бек адабиётининг забардаст вакиллари Ўзбекистон Қаҳрамони ИброҳимFaфуров, Ўзбекистон халқ шоирлари Сирохиддин Сайид, Усмон Азим, Махмуд Тоир, Кенгесбай Каримов, адабиётшунос олимлар Қозоқбой Йўлдошев, Сувон Мели, Нурбой Жабборов, шоирлар Николай Ильин, Эшқобил Шукур, Кавсар Турдиева, Азиз Саид каби устозлар уч кун мобайнида ёшларнинг ижоди билан яқиндан танишиб, керакли маслаҳатлар берисиди. Анъанага кўра, устозлар этироғиға сазовор бўлган иқтидорли ўзувчиларни “Биринчи китобим” лойиҳасида бир неча минг нусхада чоп этилади.

Якунда ёшларга анжумандағи иштироқларини тасдиқловчи сертификат, семинарнинг махсус статуткаси, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ҳамда ҳамкорларининг кимматбаҳо эсдалик соғалари топширилди.

ИЛХОМ ЖИЛАВАСИ



БИТТА ВАТАН, БИТТА ХАЛҚ

Хўқанд ёнди!
Ёниди оғат,
Ёниб битди улуг мамлакат.
Э воҳ!
Қарши умматга уммат
Шайландилар конли ҳамлага.
Самовотнинг кипреклари нам,
Кўзларида нелар қалқиди?!
Бухоро ҳам, кўхна Хўқанд ҳам
Битта Ватан, битта халқ эди!
Йикитдилар она юрт туғин,
Кўнгилларни тарқ этди шодлик.
Нодира – бу абадий йиги,
Нодира – бу маъюс озодлик!

Темурларни туқсан хур ҳалқим,
Қани ким бор, қалқон бўлишга?
Қани ким бор, хонига қалқуб
Миллат дея ёниб ўлишга?
Сиз йиқилманг, сўнмасин учун
Хукмрондир токи таҳлика.
Хўқанд учун,
Ор-номус учун,
Ватан учун яшанг, маликам!
Элига ёв, шайтонга шерик,
Ўша қассоб, ўша каззоби.
Нодира – бу кўлдан кетган эрк,
Нодира – бу куллик азоби!

Жонажоним!
Юр энди нари
Ватанфуруш кас – “мулло”лардан.
Янги аср Нодираларин
Бугун асра Насруллопардан
Шунда баланд ҳиллар түғинг,
Кўнгилларга қўйтади шодлик.
Нодира – бу абадий йиги,
Нодира – бу маъюс озодлик!

Нилуфар ЭРГАШЕВА,
Зулфия мукофоти совриндори,
Фарғона вилояти

БИР ФИНЖОН ҚАҲВА

Кел, бугун, севгилим, қолайлик ёлғиз,
Согинча термилиб, оғриб кетди жон.
Қаҳва олиб келдим,
Энди иккимиз

Қаҳва ичамизми бир-икки финжон?

Гўёки ҳазина топган сайёҳдек,
Термилиб турман киприк коқмасдан.
Сен эса уялиб бошингни ёзиб,
Кўзингни оласан менга бокмасдан.

Яноқлар ҳар кечак кўздан ёш тотди,
Ашқингдек юрақдан ёт бўлмайди у.
Қаҳва севги каби ширин бўлади,
Аммо севги каби маст қўлмайди у.

Кел, бугун дўстлардек сухбат қурайлик,
Гўё севмаганман сени ҳеч қачон.
Қасамлар иммасдан
Қаҳва ичайлик,

Кўп эмас,

бор-йўғи

бир-икки финжон.

БОНГ

Қуёш кўқдан бўлди бадарға,
Булутларга яширинди ой.
Тун. Заминда бари одамлар
Мудроқ босиб қолди ҳойнаҳоӣ.

Чор тарафда жимжитлик, гўё
Пистирмада тутилган сукут.
Беҳаловат увлайди шамол,
Куэзи барграйд титрайди вужуд.

Бу тунда бир ҳавфу ҳатар бор,
Тошәётир қайнок сутдай онт.
Инсониятни уйғотинг, ҳайҳот,
Бонг уринглар!
Бонг уринглар!
Бонг...

Еру кўкни ларзага солинг,
Тонг уйғонсин ўтли садодан.
Э воҳ, қандай мудрамоқ мумкин
Чўғ устида турган дунёда?

Фарруҳ АМИРОВ,
Жizzax вилояти

УМИД

Умр осмонида ярим ойларнинг
Вақтлар ўтиб яна тўлмоги бордир.
Кўнгил гулзорида фуссаю ғамнинг
Гуллари хазонлаб, сўлмоги бордир.

Жонингни қийнаган ҳар оғриқ, озор
Шифога айланиб қолмоги бордир.
Хоҳ тилдан, хоҳ дилдан кечган дуо бор –
Гўзал тарзда “насиб” бўлмоги бордир.

Қаро тун зулмати сўнгига зотан,
Тонгнинг насимлари еломоги бордир.
Ва бир кун қаҳратон кишлар ортидан
Гулгун баҳорларнинг кельмоги бордир...

Умиджон САЙФУЛЛАЕВ,
Тошкент вилояти



ТАФОВУТ

Кимга қор ёқади, кимга саратон,
Яна кимга ҳазон фаспи ё баҳор.
Дунё яралдик, минг турфа инсон,
Ҳар бири бир олам, феъли бетакор.

Ҳар бирин амали, забони булак,
Турфа мақсад сари ташлайди қадам.
Кимнингдир қисмати кимгadir ўрнак,
Кимнингдир лойига тояр ёт одам.

Ҳар ким ўз-ўзича севар Ватанини:
Кимдир севгисини қилиди достон.
Аллаким юргига пайвандлаб жонни,
Кўнгли янглиғ уни этди бустон.

Кимга қор ёқади, кимга саратон...

Махзона ҲАБИБОВА,

Бухоро вилояти

ҲИКОЯ

Ўн олти йиллик ҚАРЗ

Тонг...

У бефарқ эди. Атрофида-
ги таниш-нотанишларнинг ға-
ла-ғовури ҳам қулогига кирмас
эди. Ҳамма бақириб йиглар-
ди. У эса бир томми ҳам кўз
ёш тўкмади. Нима учун, ким
учун йигласин? Ахир, шу одам
эмасмиди уларнинг бор-йўгини
шайтон шарбатига алмашган?
Шу инсон эмасмиди ундан бо-
лалигини тортиб олган, ширин
дамларини кул қилган? Шу ин-
сон эмасмиди фариши она-
сига йигирма ийл заҳар-зақум
юттириб, кирқа тўлмасидан
гўрга тиккан?! Ўн олти кўклам-
ни қаршилагунча не кунларни
кўрмади бу шўрликнинг боши.
Изғирин киша томдан томчи-
лаган тинимсиз чаккига ҳам,
қарзини сўраб чиқсан кўшишларн-
инг зардасига ҳам, тенгдош-
ларининг камситишлари-ю,
қариндошларнинг таъна-ма-
лотларига ҳам чида беклди.
Ўшанда ўн ёшда эди. Шу ёшида
у сочига оқ ораламай оламдан
кўз юмган волидасининг ўлими-
га ҳам чидади... Чидайверди!
Ахийри, у хиссиз бўлиб қолди.
Бир зумда ўн опти йиллик умри
кўз олдидан ёз ёмгиридек ёғиб
ўтди. Атрофида одамлар ҳов-
лини бошларига кўтариб, бир-
дан фарёд солишибди. Уйларида
қаёқдан пайдо бўлди шунча
одам? Шунча қариндошлари
бормида уларнинг? Тиригида
акасидан жирканган “мехрибон”
сингиллар дод солиб йилларди.
Нега жигарин тиригида йўқлаб
келишмади бу соҳта қадрон-
лар? Нега уни вақтида йўлга
солишибди? Миттигина жиян-
ларини-чи, нега соchlарини си-
лашибди, эркалашмади ҳеч?!
Бирдаган фикр хаёлларни чил-
парчин этиди. У ҳаётдаги сўнгиги
яқинидан, суюнламаса-да, асли
ўзи жондан сўйган тогидан
аҳралганини ҳис этиди!

Тобут ердан кўтарили...



Умидда РАҲМОНОВА
Бухоро вилояти

Унинг олти йилдан бери ёшлан-
маган қароқларидан яноқларига
ёш томчилади. Бироқ у фарёд
солмади. Кўхна оламнинг аз-
лий, оғир сукунатини бузиси
келмагандир балки. Орқа эшик-
дан чиқди-ю, унинг энг қадрон
кишиси тобутини елкалаб бо-
раётган инсонлар ортидан аста
эрғашибди. Болалиқдаги синга-
ри энтиқиб-энтиқиб борарди
у... Тобутни кўк пештоқли эски
масқид ҳовлисига киритишгач,
ерга кўйишибди. У куз шамолиди
тўзғиган тақимини ўтиб тур-
гувчи қоп-қора майин соchlари
орасидан ҳовлига боқарди. Бо-
шига оппоқ салла ўраган, эллик
ёшлар чамасидаги имом-хатиб
оғир қадам босиб келди. Жано-
за дуосини бошлашдан олдин
анъана гураҳи ҳалқдан сўради:
“Мархумнинг кимдандир қар-
зи бор эдими?” Халқ жим эди.
Балким тиригида узолмаган
қарзларини жонсиз мархум-
дан сўрашга ор килишгандир.
Имом таомилга кўра вазмин
оҳянгда яна икки маротаба са-
волни тақрорлади. Шунда чи-
норлар орасидан вазиятни ун-
сиз кузатиб турган бир жуфт кўз
одамлар орасига отилиб чиқди:
“Мендан қарзи бор эди. Отам-
нинг мендан ўн опти йил қарзи
бор. Ўн олти йиллик меҳр қарзи
бор отамнинг!”

ОҚ АКАЦИЯ

Ақация гуллаганида
Кўксим тўллар наисф ҳавога,
Ақация гуллаганида
Руҳим уча бошлар самога.

Ақация гуллаганида
Умрим тагин totли туюлар,
Ақация гуллаганида
Кўзларимдан севинч қўйилар.

Ақация гуллаганида
Унугтайман ҳамма нарсани.
Ақация гуллаганида
Эслаб қолгум негадир сани!



Муслим ПИРМУҲАММАД,
Навоий вилояти

НАЙ БИЛАН СУҲБАТ

Тандирда нон иси, кўнгилда виқор,
Бўғзимда чалмоқда най ўз қўйини.
Тил билан дил айро, ўртада девор,
Мени безор килди юрак ўйини.

Най дейди: “Сирлашгин мен билан, эй қиз,
Кўзларим тўлингта муштоқ, интизор.
Искандар сирини очганман ҳарзиг,
Аммо энди билдим, кўнгил дўстга зор”.

Йулладим мен ҳорғин жавобим унга:
“Сирлашни гуллашдан бўлсанг толмаган,
Мен ширин сиримни айтганман тунга,
Сенга айтадиган сирим қолмаган”.

Шамсиқамар СУЮНОВА,
Сурхондарё вилояти



Суратлар муаллифи Аҳмад ТУРА.

СҮЗ МУЛКИ

Ўзбек луғатчилиги тарихида жадидликка бўлган даврда, асосан, изоҳли луғатлар тузиш, мумтоз адабиёт, хусусан, Алишер Навоий асарларини тушуниши таъминлаш ва янги шакланаётган эски ўзбек адабий тилини таргиф қилиш, унинг ўзига хос жиҳатларини оммага сингдиришига ёрдам берадиган луғатларни яратиш етакчилар қиласди. XIX асрнинг иккичи ярмидан луғатчилика янги йўналишлар пайдо бўлгани, луғат тартиб беришда замонавий ёндашувлар юзага келгани ва янги типдаги луғатлар яратилгани ётиборни тортади.

Ўзларининг турли жанрларга оид қимматли асарлари билан ўзбек адабиёти, маданияти ва маънавияти тарихида алоҳида ўрин тутган жадид маърифатпарварлари тилшуносликнинг луғатчилик соҳасида ҳам самарали фоилият юритиши. Улар луғат яратиш бораисида ҳам салмоқли изланишлар олиб бориб, ўзбек лексикографиясини ривожлантириша мунособ ҳисса кўшишид.

Маълумки, XIX асрнинг иккичи ярмидан бошланган чор Россиясининг Ўрта Осиёдаги мустамлака сиёсати маҳаллий туркий халқларнинг тили, маданияти ва этнографиясини ўрганиш, улар орасида кузатув ишларини олиб бориши эҳтиёжини вужудга келтириди ва бўл узаро мулокотни таъминловча русча-ўзбекча, ўзбекча-руссча луғатлар юзага келишига замон бўлди. Бундай йўналишдаги илк луғатлар рус зиёллари ҳамда давлат хизмати вакиллари томонидан яратилди. А.Старчевскийнинг "Переводчик с русского языка на сартовский" (1878), С.Лапиннинг "Русско-узбекский словарь" (1884), В.П.Наливкин ва М.Наливкиннинг "Русско-сартовский и сартовско-русский словарь" (1884-1912) каби луғатларини шулар сира-сига киритиш мумкин.

Бу даврда жадид зиёллари ҳам омманинг онги, им даражасини юксалтириш максадида ана шундай иккى тил-

ли луғатлар устида иш олиб боришиди. Дастрлаб Ашурали Зохирийнинг "Русча-ўзбекча мукаммал луғат"и пайдо бўлди. Кейинчалик Абдулла Қодирий хаммуаллиф бўлган "Русча-ўзбекча тўла сўзлик" луғати юзага келди. Бу муаллифлар луғат тартиб беришда ўзбек тилининг миллий хусусиятларини, шакланаётган янги ўзбек адабий тилининг лексик, грамматик меъёрларини ётиборга олган ҳолда жонли ҳалқ тилидан кўплаб сўз ва ибораларни киритишиди.

"Чигатой гурунги" жамияти аъзоси Элбек фаолиятида ҳам луғатчилик алоҳида ўрин тутади. У XX асрнинг 20-30 йилларида ўзбек тилининг сўз хазинасини бойитиш, она тилимизни ички имкониятлари асосида ривожлантириши, миллий адабий тил яратиш йўлида изланишлар олиб бориб, "Луғат ва атамалар", "Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати" ҳамда "Ўзбек тўла сўзлигига материаллар" номли асарларни алоҳида ўзбек адабиёт эёди. Ономим сўзларнинг маънолари бир неча изоҳ усуллари ёрдамида очиб берилган "Ўзбекча шаклдош сўзлар луғати" ўзбек лексикографияси тарихида биринчи маҳсус луғат хисобланади. "Ўзбек тўла сўзлигига материаллар" асарида эса сўзларнинг талафузи ва имлосида бир хиллика еришиш, асос ва кўшишчалар имлоси, сўзларнинг ясалиш тиллари ҳакидаги маълумотлар берилади.

Таникли маърифатпарвар адаб Абдурауф Фитрат ўзбек адабиёти тарихини тизимиравиша тадқиқ этиб, дастрлаб "Энг эски турк адабиёти намуналари", сўнгра "Ўзбек адабиёти намуналари" мажмуаларини чоп этитири. Олим "Энг эски турк адабиёти намуналари" китобида Махмуд Кошгариининг "Девону луғатит турк" асарини тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиб, унга маҳсус "Луғат" кисмини кўшади ҳамда асар матнига кирган соф туркйча сўзлар изоҳини беради. Жами 126 та соф туркйча сўз изоҳланган мазкур луғат этимологик луғат, киёсий-тарихий луғат, ўзбек-

ча-форсча-арабча таржима луғат, қолверса, изоҳли луғат белгиларини ҳам ўзида акс эттирган. Бу ҳолат Абдурауф

рида хорижий тилларни ҳам эгаллаша даъват этган, ўзбек луғатчилигининг тадрижий таомилла ўзига хос ўринга эга

учун айрим камчиликлардан ҳам холи эмас. Лекин бу ҳол унинг қадри ва аҳамиятини заррача пасайтирамайди.

Фози Олим Юнусовнинг

"Русча-ўзбекча киска ҳуқуқий ва сиёсий луғат"и ўзбек луғатчилигига терминологик луғатлар яратиш йўналишида иккичи лексикографик асар хисобланади. Муаллиф сўзбошида мазкур тўплам ҳакида шундай ёзади: "Русча-ўзбекча киска ҳуқуқий ва сиёсий луғат"ни ёзишдан мақсад ҳуқуқий адабиётдаги, хусусан, таржимадаги атамаларга қатъий ва майян бир шакл бериши ва шу йўл билан истилоҳ курамалигини (ихтиофини) бир дараҷа бўлса-да камайтмақдир".

Фози Олим Юнусов луғати араб

алифбоси тартибida тузилган, унда жами 1381 та русча атаманинг ўзбекча таржимаси ва изоҳи берилган эди. У XX аср

бошларида ўзбек адабий тилининг сиёсат ва ҳуқуқ соҳасига оид терминологик тизими

барқарорлигини белгилаш, уни тартибиа солиш ва мунтазамлигини таъминлаш ҳамда

атамалар луғати соҳасини ривожлантириша мумхим манба бўлиб хизмат қилган.

Хулоса сифатида айтиш мумкин, жадид намоянда-ларининг тилшунослик соҳасидаги амалий фаолияти ўзбек лексикографиясини янги босқичча кўтарди. Бу даврда яратилган луғатлар, аввало, ўзида тарих ва янги даврни мужассамлаштиргани билан характеристланади. Уларда класик Шарқ ва замонавий Фарб лексикографик амалиёти ўйнлашига кетганини кузатиш мумкин. Қолверса, жадидлар тузган луғатларда асосан бадиий асар тилини тушуниш учун хизмат қилган ўзбек мумтоз луғатларидан фарқли равишда кўпроқ тил ўргатиш ва тил таълими масалаларига ургу берилган. Бундай асарлар ўзбек замонавий луғатчилигининг кейинги тараққиёти учун ўзига хос пойдевор вазифасини ўтади.

Султон НОРМАМАТОВ,
filaologiya fanlari doktori,
professor

Абдурауф Фитратнинг 1925 йилда чол этилган эски ўзбек ёзувида "Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба. Сарф" дарслиги.

Фитрат луғатшунос жадид адеби эканини ҳам кўрсатди.

Шунингдек, Исҳоқхон Ибратнинг "Луғоти ситта алсина" (олти тили) луғатини мазмун-моҳијати билан ўша даврда янгила йўналишдаги, яъни Фарб луғатчилиги анъаналарни таъсирида яратилган асарлар сирасига киритиш мумкин. Тўғриси, ўзбек лексикографиясида Ибратга қадар ҳам, Ибратдан кейин ёзига ҳам айни шу хилдаги, яъни олти тил манбалари қамраб олинган ва улар ўзаро киёслангандан бўшқа луғат тузилгани ўйк. Эътиборли жиҳати. Исҳоқхон Ибрат бу ишга кўй ўришдан олдин туркӣ, араб, форс-тохик, усмонли турк ҳамда рус луғатчилиги билан ҳам тўла танишиб қиради.

"Луғоти ситта алсина" оммабон луғат хисобланади, кенг ўкувчилар оммасига мўлжаллаб тузилган эди. Муаллиф таъкидлаганидек, "сафар ахли"га мўлжаллаб тузилган адабиётшунослик нуқтаи назаридан атрофлича ўрганиб, унга маҳсус "Луғат" кисмини кўшади ҳамда асар матнига кирган соф туркйча сўзлар изоҳини беради. Жами 126 та соф туркйча сўз изоҳланган мазкур луғат этимологик луғат, илғор ютуқлари, янгиликлари билан танишириш бароба-

бўлган лексикографик асар саналади.

Ўзган асрнинг 20-йилларида замонавий илм-фан асослари, хусусан, иктисад ва сиёсат соҳасидаги янгиликлар билан танишида шаклида бериш мавжуд эди. Шунга асосан, Назир Тўракуловнинг "Рус-ўзбек тилининг сиёсий ва иктисадий луғатчasi" рисоласи ўзага келди. Бу луғат анча мурakkab ҳусусиятга эга эди. Луғат икктилии (яъни, русча сиёсий-иктисадий терминларнинг ўзбекча таржимаси) таъсисидан ўзбекча таржимаси берилган бўлса-да, бирок унда терминлар таржимасида уларнинг тўғридан-тўғри эквиваленти (муқобили) беришади тузилган бўлуб, унда жами 403 та русча терминнинг ўзбекча таржимаси ва изоҳи берилган. Ушбу луғат ўзбек луғатшунослигига ўзига хос ўринга эга. У соҳа терминлари тўплланган илк луғат бўлгани

Гўзал санъатларимиз қаторида мусикиамизнинг тарихи ҳам текширилмаган, жон озиги бўлғон мақомларимизнинг тузилиши, ҳар вақт ўзига таъсир билан бизни тортиш каби мусикиамизнинг шундай ҳусусиятларини сира ўйламаймиз. Ҳолбум, мусикиамизнинг тарихи бетлари қорони пучмоқлардан битиб кетмайдарид.

Бу кунги 15-20 турли мусикий куролларимизнинг, ўзига маҳсус анча тарихи бордир. Бир оз текширсак, гўзal санъатларимиз учун жуда ҳам мухим парчалар юзага чиқармиз. Ўзининг мунгли товши билан, мусикий куролларимизнинг тархига таъсирни ўзига таъсирни ўйнайдиган музикларидан боради.

Тарих бетига кўз солсақ, танбури чолгуларимиз орасида энг эски ва турганик санъатни кўзимизни кўзимизни кўзимизни санағон бузрук, наво, сегоҳ каби нағис куролларимизнинг ўзига таъсирни ўйнайдиган музикларидан боради.

Бу сўнг чокларда биткан ўпералар ҳам шундан қолама нарсаларидир.

Шарқ ўлқасида мусикий билими неғизида ёқимли товушлар, кўйлар, ҳаволалар кабул этилганлиги учун унга жон озиги, деганлар. Шарқ мусикийсида басталанган куролларинг кўписи руҳ ва фикрга бўқатурғон шиорона нуктадардан, суғинни, зоҳидона ҳикматли сўзлардан тузилган шеърлардан терилип басталанган...

Бугунги ёқимиздаги шарқ мусикий битилларидан ёқимли ҳаволардан сўз очиб, бундан ўзгасини кўздан ташлаб юборилшидир. Мана энди, Оврўпода билан олингандир...

Мусикий куроллар орасида наво,

сегоҳ, ироқ каби киши табиатига жуда кўб таъсир этиатурғон куйларимизни ис-таганимизча чалиш учун мос қурон яна шул танбуринг ўзигасидир. Зотан, танбуринг ўзига маҳсус бўлғон чалиш ийли (услуби тарануми) мусикиймизнинг асосий услубига анча катта таъсир эткандирким, юқорида куйларимизнинг барчасига танбури мос келади, деска-дат тўғриди.

Турли мильлатларнинг мусикийка қарши кўнгилт тортишларини текшириш мурakkab ҳусусиятга эга эди. Шунга кўзим, мусикий куролларнинг тархига таъсирни ўзига таъсирни ўйнайдиган музикларидан боради.

Қай бир шарқ мақомларини Оврўпо куйлари билан чоғиширилиб кўрілса, шарқ куйларининг қанча бой, турли товшушига эга ўнинг тархига таъсирни ўзига таъсирни ўйнайдиган музикларидан боради.

Энди, шарқнинг шуна чоғиширилиб кўрілса, шарқ куйларини бизга кўрсатучи бир оз бўлса, уда танбуридан.

Шарқ куйларининг мазасини шундай асбоблари таъсирни ўзига таъсирни ўйнайдиган музикларидан боради.

татбикни натижаси ўлароқ бу каби турли кишилик сезигиларини мусика орқали жонлантириб кўрсатиш мажбур бўлғон Оврўпо мусикийчилари ўшал ҳаво куйларни ёқимли товуш билан чалиш бўлғамонликтан, шарқ мусикий-сидан чиқорилмиш ҳалиги сурғин мусикийнинг бир бўлгаги санаб, мусикий-ларига киргизиб кўллашга мажбур бўлғонларидан.

Бир билимда фоя, тилак, санъат, мухорат қайси ёқда бўлса, тараққи ва билим ўшал томонда бўлиши билгиларидир. Шунга кўра, шарқ мусикийсида негиз тутилғон ёқимли куйлар жуда кўб тараққи.

Қай бир шарқ мақомларини Оврўпо куйлари билан чоғиширилиб кўрілса, шарқ куйларининг қанча бой, турли товшушига эга ўнинг тархига таъсирни ўзига таъсирни ўйнайдиган музикларидан боради.

Энди, шарқнинг шуна чоғиширилиб кўрілса, шарқ куйларини бизга кўрсатучи бир оз бўлса, уда танбуридан.

Шарқ куйларининг мазасини шундай асбоблари таъсирни ўзига таъсирни ўйнайдиган музикларидан боради.

РАЖАБЗОДА (Бухоро)

"Maorif va ўқитувчи" журналининг

1926 йил 2-сонидан.

Соҳиба КАРИМОВА

нашрага тайёрлади.

ХОТИРА АЗИЗ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

